

**“АРХИВШУНОСЛИК” ДАРСЛИГИГА ТАҚРИЗ**  
**(Т.: “Турон-иқбол”, 2019. 352 б.)**

**Алижон Махкамов,**

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви директор ўринбосари,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши аъзоси

Инсоният ривожланишининг турли босқичларида унинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёти тарихини ўрганишга бўлган интилиш ва қизиқишлар ортиб борган. Тарих сабоқларини ўрганиш орқали давлат ва жамиятнинг замонавий ривожланишини мукаммаллаштириш, кейинги навбатда, бунинг истиқболини белгилаш ҳар вақтда ҳам самарали натижалар берган. Айниқса, аниқ тарихий маълумотлар асосида тарихий воқеликни тадқиқ этиш, тарихни яратиш ниҳоятда муҳим ва долзарб саналади. Бу борада қимматли тарихий маълумотларни акс этувчи ҳужжатлар, шу жумладан, архив ҳужжатлари алоҳида аҳамият касб этади. Уларни тўплаш, сақлаш, тадқиқ этиш ва келгуси авлодларга тўлиқ етказиб бериш ҳамда улардан тўғри фойдаланиш дунёнинг турли давлатларида қадимдан то ҳозирги даврга қадар амалга ошириб келинади. Мазкур фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнлар ҳатто алоҳида тарихий фан ҳисобланувчи “архившунослик” доирасида ўргатилади.

Архившунослик фани доирасида инсоният ютуқларини ўзида мужассам этган қимматли манбалар, тарихий ҳужжатлар сақлаб келинадиган турли архивлар ва архив муассасалари тарихи, фаолияти, иш юритиш услублари ва ҳужжатлари, жамғармалари, ривожланиши, ўзига хос жиҳатлари, архив фондларини шакллантириш, архив ҳужжатларини жамлаш, туркумлаш, тизимлаштириш, сақлаш ва улардан тўғри фойдаланишни таъминлаш масалалари ўрганилади. Архившунослик қадимги даврларда шаклланган, турли тарихий даврларда ривожланиб келган, ҳозирги замонда такомиллашган соҳалардан бўлиб, ўзининг кенгқамровлиги, давлат, жамият ва шахс ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши, ўтмиш ҳақидаги аниқ далиллар воситасида тарихий воқеликни теран ва ҳаққоний ёритишда муҳим аҳамият касб этиши билан ажралиб туради.

Замонавий даврда дунёнинг кўплаб давлатлари, шу жумладан, мамлакатимиз Ўзбекистонда ҳам архившунослик соҳасини ривожлантириш масаласи долзарб муаммолардан ҳисобланиб, унинг учун ҳуқуқий асос яратиш ишларига алоҳида эътибор қаратилади. Мустақиллик йилларида архивлар фаолияти ва архив иши билан боғлиқ қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, кўплаб янги архивлар ташкил қилиниб, мавжуд идоралар таъмирдан чиқарилди. Архивларда минглаб архив ҳужжатлари сақланади ва улар халқимизнинг маданий меросида муҳим ўрин тутиши алоҳида эътироф қилиниб, уларда Марказий Осиё давлатларининг кўп асрлик сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий тарихига оид қимматли маълумотлар муҳрланганига урғу берилди.

Мамлакатимизда архив ишини тубдан ислоҳ қилиб, замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳолатда шакллантириш, архив муассасалари ишини такомиллаштириш, архив соҳаси ва архив фанининг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш ва бунинг учун билимли, малакага эга архив соҳаси мутахассисларини етиштириш ишлари кўлами кенгаиб бормоқда. Бу борада бўлақак архившунос

олимлар ва архивчи-мутахассис кадрларни тайёрлаш ишларига эътибор катта. Юртимизда архившунослик соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш ўрта махсус ва олий таълим билим юрларида йўлга қўйилиб, айтилган вақтда ўз фаолиятида ариб ҳужжатларидан нодир манба сифатида фойдаланадиган бошқа турли касб эгаларига архившунослик соҳасидан фан асосига таалуқли билимларни бериш ишлари амалга оширилмоқда. Шу жумладан, фанга доир янги адабиётлар, йўлланмалар, йўриқномалар тайёрланиб нашр этилмоқда. Бундай ўқув адабиётлар орасида муаллифлар жамоаси томонидан 2018 йил нашр қилинган 5220300 – Архившунослик йўналиши учун тайёрланган дарсликни эътироф қилиш зарур. Мазкур ўқув адабиёти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ томонидан Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети “Манбашунослик ва архившунослик” кафедраси, ЎзР ФА Тарих институти, ЎзР Марказий давлат архиви, ЎзР Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архиви билан ҳамкорликда яратилди.

“Архившунослик” дарслиги вазирлик томонидан тасдиқланган ўқув дастури асосида тайёрланган, ҳар бир мавзуга ушбу йўналишда тадқиқот олиб борган етакчи тарихчи олимлар ҳамда архив соҳаси мутахассислари жалб қилинган. Хусусан, мазкур ўқув адабиётини т.ф.д., проф. М.А.Рахимов, т.ф.д. И.А.Алимов, т.ф.д., доц. М.С.Исакова, т.ф.н., доц. Х.А. Буриева, т.ф.н., доц. З.А. Саидбобоев, т.ф.н., доц. М.С. Ҳамидова, т.ф.н., доц. М.М. Исмоилов, т.ф.н., доц. З.Б. Раҳмонқулова, тех.ф.н. А.К.Абдуллаев, т.ф. PhD Ш.Ш. Чориев, т.ф.н. У.Х.Жумаев, Г.Н.Саидбобоева, Ж.Х.Адилов, Ф.Қ.Усманов, Ш.Х. Дурова, С.А.Ҳамраев, З.Х.Джаббарова, О.Х. Суюновлар томонидан тайёрланган. Аввал нашр қилинган ўқув адабиётларидан фарқли тарзда ушбу дарслик муаллифлигига архившунослик соҳаси мутахассислари, олимлар, ёш тадқиқотчилар кенг жалб қилинганлиги, мавзулар айнан манбалар ва архив маълумотлари асосида ишланганлиги, глобаллашув жараёнига хос бўлган янги техника билан ишлаш ҳамда архивларни электронлаштиришга оид билимларни ёритиб берганлиги билан ажралиб туради.

Дарслик 14 та мавзу ва ҳар бир мавзу ичида кичик режаларга бўлинган параграфлардан таркиб топган. Мавзулар якунида назорат саволлари ва атамалар изоҳи берилган, шунингдек, ҳар бир мавзу юзасидан назорат саволлари ва адабиётлар рўйхати билан бир қаторда, атамалар шарҳи (госсарий) ҳам берилиши мавзунини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Хусусан, қуйидаги мавзулар ёритилган: “Архившунослик фани ва унинг вазифалари”, “Архивларнинг илмий-маълумотнома аппарати”, “Архив ҳужжатлари қимматлилиги. Экспертизани ўтказиш тартиб-қоидалари”, “Архив ҳужжатларидан фойдаланиш тартиблари”, “Архив ҳуқуқи”, “Археографи ява унинг вазифалари”, “Архив иши менежменти”, “Архив ишига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш”, “Дастлабки архивларнинг ташкил этилиши, Қадимги дунё архивлари”, Ўзбекистонда архив иши тарихидан (қадимги даврдан 1917 йилгача)”, “1917 – 1940 йилларда Ўзбекистонда архив иши”, “1941 – 1990 йилларда Ўзбекистонда архив иши”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивлари”, “Мустақил Ўзбекистонда архив иши”. Ушбу мавзуларни талқин қилиш давомида муаллифлар томонидан архившунослик тўғрисида умумий билимлар негизи, назарий ва амалий жиҳатлари, мазкур фаннинг моҳияти, архивларнинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши, Ўзбекистонда архив соҳасининг ривожланиши тарихи, унинг ҳуқуқий-меъёрий асослари, архивлар фаолияти ва архив ишининг ташкил қилиниши, архив муассасаларида архив фондларини жамлаш, архив ҳужжатлари билан ишлаш, уларни туркумлаш, шарҳлаш, каталоглаштириш, рўйхатдан ўтказиш, қайд қилиш, улардан

фойдаланиш ва мазкур жараёнларга тааллуқли бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш, шунингдек архив соҳасини бошқариш ва автоматлаштириш мавзуларига оид назарий ва амалий билимлар ўрин олган. Уларни ўрганиш натижасида талабаларда “архившунослик” фани асослари ва унинг юртимизда ривожланиши борасида аτροφлича билимлар шаклланади, ва бу, ўз навбатида, бўлажак архивчиларнинг билимли кадр бўлиб етишиб чиқишлари учун замин яратади. Уларнинг ўз касбларини пухта эгаллашлари, маҳоратли архившунослар бўлиб етишишлари, амалиётда билимларини самарали қўллаб, соҳа ривожини, халқимиз равнақини ва давлатимиз тараққиётига муносиб ҳиссаларини қўшишларига ёрдам беради.

Архившунослик соҳасига оид мазкур дасрлик бўлғуси архивчи ва тарихчи мутахассислар учун зарур ўқув адабиёт сифатида тайёрланган. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида ушбу усулда янги адабиётларни яратиш ишида анъанавий услублар ва инновацион ғоялар, технологиялардан уйғунликда фойдаланиш алоҳида самара беради ва талабалар билим, қўникмаларини сифатли шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.